

# КРЕДИТ ШАРТНОМАСИ № \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ шахар

202\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

«Гарант банк» акциядорлик жамиятининг \_\_\_\_\_ Амалиёт бошқармаси/банк хизматлари офиси (кейинги ўринларда – Банқ) номидан Низом ҳамда 202\_ йил \_\_\_\_\_ даги \_\_-сонли ишончнома асосида ҳаракат қилувчи Амалиёт бошқармаси бошлиғи/БХО бошқарувчиси ФИШ бир томондан ва “корхона номи” (ташкилий ҳуқуқий шакли) Низом/гувоҳнома асосида иш юритувчи директори ФИШ (кейинги ўринларда – Қарз олувчи) иккинчи томондан, ушбу шартномани қуидагилар ҳақида туздилар.

## 1. Шартнома предмети

1.1. Банк Қарз олувчига Амалиёт бошқармаси/БХО кредит қўмитасининг «\_\_» «\_\_\_\_\_» 202\_ йилдаги «\_\_» - сонли қарорига асосан \_\_\_\_\_ муддатга йиллик \_\_ фоиз миқдорида устама ҳақи тўлаш шарти билан \_\_\_\_\_ () сўм миқдорида кредит маблағлари ажратади.

## 2. Асосий тушунчалар

2.1. Ушбу Шартномада қуидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**Фоизларни тўлаш санаси** – ҳар ойнинг иккинчи санасида Қарз олувчи томонидан ушбу шартнома бўйича барча ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарилгунига қадар.

**Асосий қарзни тўлаш санаси** – имтиёзли давр тугаганидан кейин (агар имтиёзли давр бўлса) ҳар ойнинг иккинчи санасида.

**Молиялаштиришни очиш санаси** – кредитнинг ёки унинг бир қисмининг ажратиш санаси (кредит бўйича).

**Кредит қарздорлиги (Асосий қарз)** – Қарз олувчи томонидан фойдаланилган, аммо уни қайтариб бермаган ва тўланмаган Кредит ёки унинг бир қисми.

**Кредитдан фойдаланиш** – қарз олувчи томонидан Кредит шартномаси бўйича маблағлардан фойдаланиш.

**Кредит** – Банк томонидан Қарз олувчига ушбу шартномада кўзда тутилган шартлар билан тақдим этиладиган маблағларнинг умумий қиймати.

**Кредитор/Банк** – \_\_\_\_\_ АЖ Амалиёт бошқармаси/БХО

**Кредит бўйича фоиз ставкаси** – муддатли кредит қарздорлик учун йиллик «\_\_» () фоизни ташкил этади (кредит қолдиғига ҳисобланади).

**Кредит муддати** – кредит шартномасини тузган санадан бошлаб «\_\_» ой.

**Кредит таъминоти** –

**Асосий қарзни тўлаш бўйича имтиёзли давр** – кредит шартномаси имзоланган санадан бошлаб «\_\_» ой.

**Фоизларни ҳисоблаш даври** – фоизларни ҳисоблаш кредит ажратилган санадан бошланади ва Қарз олувчи томонидан қарз тўлиқ тўланмагунча, кейинги фоизларни тўлаш санасида (шу санадан ташқари) тугайди.

**Асосий қарзни тўлашнинг охирги санаси** – бу кредит муддатидан кечикмай белгиланган, асосий қарзни тўлашнинг охирги санасини билдиради.

**Асосий қарзни қайтариш даври** – ҳар бир фоизларни тўлаш санасида биринчи кредит тўловини қайтариш санасидан бошлаб ва охирги кредит тўловини қайтариш кунидан бошлаб «\_\_» ойдан кўп бўлмаган муддат.

**Фоизларни тўлаш муддати** – кредит асосий қарзини тўлашнинг хар бир санасида ва кредит асосий қарзининг охирги қисмини тўлаш пайтигача бўлган муддат.

**Учинчи томон** – ушбу шартнома томони бўлмаган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс.

**Банк иш куни** – қонунчилик хужжатлари билан белгиланган кун ичida ўрнатилган иш вақти.

2.2. Ушбу шартномада, агар контекст бўйича бошқача талаб қилинмаса, бирлик маъносини билдирувчи сўзлар кўплик сонини ва аксинчани англатади.

### **3. Кредит ажратиш шартлари**

3.1. Кредит Қарз олувчига ёпиқ кредит линияси асосида банкнинг ўз маблағлари (жамғарма маблағлари) ҳисобидан молиялаштирилади.

3.2. Қарз олувчи ушбу Шартнома шартларига кўра кредит олиш учун барча талабларни бажаргандан сўнг, кредит бўйича маблағ олиш хукуқига эга бўлади.

3.3. Кредитдан фойдаланиш муддати – ушбу Шартнома имзоланган санадан бошлаб ой.

3.4. Ажратилган кредит учун асосий қарзни тўлаш бўйича имтиёзли давр – имтиёзли давр мажуд эмас.

3.5. Қарз олувчи кредитни қайтариш жадвалига мувофиқ ҳар ойнинг \_\_\_-санасидан кечиктирмай ойлик кредит тўловларини амалга оширади.

3.6. Муддати ўтган қарздорлик учун кредит фоизи ўрнатилган фоиз ставкасидан 1,5 баробар оширилиб ҳисобланади.

3.7. Фоизлар суммаси Қарз олувчининг кредит бўйича амалдаги қарздорлигидан келиб чиқсан ҳолда, кредитдан фойдаланиш даврининг амалда ўтган кунлар сонини йиллик базавий даврга (365 кунга) бўлиш асосида ҳисоб-китоб қилинади. Кредит учун ҳисобланган фоизлар тўлови миллий валютада, молиялаштириш очилган санадан бошлаб, ойига бир марта, ҳар ойнинг 5 кунида амалга оширилади. Фоизлар бўйича охирги тўлов кредит қайтарилишининг якуний санасида амалга оширилади.

Кредит бўйича асосий қарзни тўлаш Қарз олувчи томонидан кредит олинган валютада ёки миллий валютада амалга оширилади. Шу билан бирга, Қарз олувчи Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида миллий валютани конвертация қилинган кундаги тегишли курс бўйича АҚШ долларига конвертация қилиш йўли билан асосий қарзни траншларини тўлаш хукуқига эга. Барча конвертация мажбуриятлари ва валюта харажатлари Қарз олувчи томонидан қопланади.

3.8. Қарз олувчи томонидан мазкур Шартноманинг имзоланиши Банкка Шартнома бўйича мажбуриятлар тегишлича бажарилмаган тақдирда Қарз олувчининг барча банклардаги ҳар қандай ҳисобварақларидан ҳар қандай валютадаги пул маблағларини чиқариб олиш хукуқини берувчи акцепт ҳисобланади.

3.9. Қарз олувчи томонидан ушбу шартнома бўйича амалга оширилган ҳар қандай тўловлар, бошқа мажбурий қоидалар мавжуд бўлмаган тақдирда ёки Банк бошқача қарор қабул қиласа, Банк томонидан Қарз олувчининг мажбуриятларини бажариш учун қуийдаги кетма-кетликда юборилади:

комиссиялар, жарималар, пенялар, муддати ўтган асосий қарздорликка ҳисобланган юкори фоизлар;

кредит фоизлари бўйича муддати ўтган тўловлар;

кредитнинг асосий қарзи бўйича муддати ўтган тўловлар;

кредит фоизлари бўйича муддатли тўловлар;  
кредит асосий қарзи бўйича муддатли тўловлар.

Асосий қарз ва унга ҳисобланган фоизлар тўланганлик санаси деб маблағларни кўрсатилган ҳисобварақларга келиб тушган кун ҳисобланади.

3.10. Шартнома бўйича асосий қарз ва фоизларни бажариш санаси дам олиш кунига тўғри келса, тўлов ундан кейинги биринчи иш кунида амалга оширилади.

#### **4. Томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари**

##### **4.1. Банкнинг хуқуқлари:**

4.1.1. Қарз олувчи томонидан ушбу Шартноманинг шартлари бузилганда Банк асосий қарз, ҳисобланган фоизлар ва кредит бўйича бошқа тўловлар бўйича бутун қарздорликни Қарз олувчининг исталган ҳисобварақларидан акцептсиз тартибда ҳисобдан чиқариш.

4.1.2. Қарз олувчидан ушбу Шартнома шартлари ва амалдаги қонунчилик талаблари асосида кредит таъминотини белгиланган муддат ва миқдорларда тақдим этилишини талаб қилиш.

4.1.3. Кредит таъминоти сифатида гаровга тақдим этилаётган кўчар ва кўчмас мол-мулкларни мониторинг қилиб бориш ва уларни бут сақланишини, қиймати камайишига олиб келадиган хатти-ҳаракатни амалга оширмасликни Қарз олувчидан талаб қилиш.

Гаровга тақдим этилган мол-мулкнинг қиймати камайган тақдирда Қарз олувчидан қўшимча таъминот сифатида бошқа мол-мулкни гаровга тақдим этилишини талаб қилиш.

4.1.4. Қарз олувчи томонидан мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслик ва/ёки лозим даражада бажармаслик ҳолатлари кузатилган тақдирда қуидаги ҳаракатларни амалга ошириш:

Қарз олувчига мажбуриятларнинг бажарилмаслик ҳоллари бошланганлиги тўғрисидаги ёзма талабномани уни бартараф этиш муддатларини кўрсатган ҳолда юбориш;

ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини қўшимча равища таъминланишини талаб қилиш;

Қарз олувчидан ушбу шартномада белгиланган тартибда кредитнинг ҳаммасини ёки унинг бир қисмини муддатидан олдин қайтаришни талаб қилиш (қонун ҳужжатларида кредитнинг ҳаммасини ёки унинг бир қисмини муддатидан олдин қайтаришни талаб қилишнинг бошқача тартиби белгиланган тақдирда кредитнинг ҳаммасини ёки унинг бир қисмини муддатидан олдин қайтаришни талаб қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади);

ундирувни белгиланган тартибда кредит таъминотига қаратиш;

ушбу шартномани унда кўрсатилган тартибда бекор қилиш;

ушбу шартномага ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа хуқуқлардан фойдаланиш.

4.1.5. Қарз олувчи ва/ёки гаровга қўювчи томонидан гаровга тақдим этилган гаров нарсасини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 280-моддасида белгиланган тартибда суднинг қарорисиз ундирувга қаратиш.

##### **4.2. Қарз олувчининг хуқуқлари:**

4.2.1. Банк томонидан белгиланган барча ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг белгиланган миқдор ва муддатларда кредит ажратилишини талаб қилиш.

4.2.2. Кредитдан фойдаланиш ҳолати тўғрисида маълумот олиш ва кредит шартларини ўзгартириш бўйича таклифлар билан Банкка мурожаат қилиш;

4.2.3. Ушбу шартнома тузилган пайтдан бошлаб кредит маблағлари ажратилгунга қадар бўлган даврда ҳеч қандай тўловларни тўламасдан кредит олишни рад этиш;

4.2.4. Банкнинг ёзма розилигига кўра мазкур Шартнома бўйича кредит қарздорлигини муддатидан аввал тўлаш. Бунда тўлов кунига қадар кредит учун ҳисобланган фоизлар биринчи навбатда сўндирилади.

#### **4.3. Банкнинг мажбуриятлари:**

4.3.1. Қарз олувчига ушбу Шартномада назарда тутилган шартлар ва тартибда кредит бериш;

4.3.2. Қарз олувчига кредит бериш жараёнида иштирок этувчи ҳисобвараклар ҳаракати ва ҳисоб-китоблар, комиссиялар ва бошқа тўловларни ҳисоблаш бўйича кўчирмаларни тақдим этиш;

4.3.3. Қарз олувчи томонидан кредит тўлиқ қайтарилигандан сўнг, гаров предмети бўйича тақиқларни бекор қилиш учун нотариал органларга хат тақдим этиш. Гаров таъминоти банк томонидан нотариуслар иштирокисиз рўйхатга олинган тақдирда, тақиқни олиб ташлаш Банкнинг ўзи томонидан амалга оширилади.

#### **4.4. Қарз олувчининг мажбуриятлари:**

4.4.1. Кредит шартномасининг ажralmas қисми бўлган 1-илова - Кредитни қайтариш тўлов графигига мувофиқ ҳар ойлик тўловларни амалга ошириш йўли билан кредит асосий қарзи ва унга ҳисобланган фоизларни белгиланган муддатларда тўлиқ миқдорда тўлаш.

4.4.2. Банк талабига кўра Қарз олувчининг ушбу шартнома амал қиласидан бутун муддат мобайнидаги гаров мулкининг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни Банкка тақдим этиш.

4.4.3. Ушбу Шартнома шартлари ва амалдаги қонунчилик асосида кўчар ва кўчмас мол-мулк ҳамда бошқа таъминотларни гаров таъминоти сифатида тақдим этиш.

4.4.4. Қарз олувчи банкнинг биринчи талаби бўйича банк томонидан амалга оширилган барча қўшимча ҳаражатларни ёки банк ушбу шартноманинг бажарилиши муносабати билан банк томонидан амалга ошириладиган ҳаражатларни қоплади.

4.4.5. Ушбу Шартнома бўйича кредитдан фойдаланиш жараёнида кредитнинг муддатлилик, таъминланганлик, тўловлилик ва қайтаришлик тамойилларига қатъий риоя қилиш.

4.4.6. Қарз олувчининг ташкилий ҳукуқий шакли, манзили, реквизитлари ва бошқа маълумотлар ўзгаргада, бу ҳақда Банкка 5 (беш) банк иш куни ичida хабар бериш ҳамда тегишли ҳужжатларни тақдим этиш.

4.4.7. Қарз олувчи томонидан фаолият манзили ҳамда гаровга тақдим этилган мол-мулкларнинг бутлигини Банк вакиллари томонидан текширилишига ўзқинлик қиласли.

4.4.8. Қарз олувчининг ташаббусига кўра кредит шартномасига ўзгартириш киритилганда ариза берилган санадаги меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 5 (беш) баробари миқдорида тўловни амалга ошириш.

4.4.9. Ушбу Шартноманинг амал қилиш даврида ҳамда томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажармагунларига қадар Қарз олувчининг хўжалик фаолиятига ва унинг кредитни қайтариш қобилиятига қандайдир тарзда салбий таъсири этиши мумкин бўлган хўжалик ва юридик операцияларнинг исталган турларини ҳамда Қарз олувчининг уставига зид бўлган операцияларни амалга оширасли.

## **5. Мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари**

5.1. Ушбу бандда қайд этилган ҳодисалардан исталгани мажбуриятларни бажармаслик ҳолати ҳисобланади:

Қарз олувчи томонидан кредит, фоизлар ва/ёки бошқа тўловларнинг ушбу шартнома ва тўловлар жадвали бўйича амалга оширганлини;

Банкка ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар тақдим этиши;

Банк хулосаси бўйича Қарз олувчи томонидан тақдим этилган ҳар қандай таъминотнинг ўз қийматини қисман ёки тўлиқ йўқотганлиги ёки ҳақиқий бўлмай қолганлиги;

Қарз олувчи тўлов қобилиягининг ёмонлашиши ёки ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг мунтазам равишда бажарилмаслигига олиб келадиган ахборотларни яширилиши;

ушбу шартнома шартларининг бузилиши;

ушбу шартнома билан боғлиқ бўлган бошқа шартномалар (гаров, суғурта ва бошқалар) шартларининг бузилиши.

## **6. Кредит таъминоти**

6.1.1. Кредит бўйича таъминот сифатида қўйидагилар қабул қилинади:

6.1.2. \_\_\_\_\_.

6.1.3. \_\_\_\_\_.

6.2. Банк билан келишилган ҳолда Банкни қаноатлантирадиган бошқа шаклдаги ликвидли таъминот қабул қилиниши мумкин.

6.3. Таъминотнинг умумий қиймати кредит қолдиғининг 125% дан паст бўлиши мумкин эмас.

6.4. Қарз олувчи таъминот ёмонлашган ва унинг қиймати камайган тақдирда ёки тақдим этилган таъминот Банк талабларига жавоб бермай қолган бошқа ҳолатларда Банкнинг талабномаси қўйилган вақтдан бошлаб 30 (үттиз) банк иш куни ичida Банк талабларига мувофиқ бўлган таъминотни тақдим этиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

6.5. Ҳуқуқбузарлик ёки жиноят субъекти сифатида гаров мусодара қилинган ёки бошқа йўл билан йўқ қилинган тақдирда, шунингдек, кафил банкрот бўлган тақдирда, Қарз олувчи Банк талабига жавоб берадиган кредит учун бошқа ликвид мол-мулк билан кредитни таъминлаши шарт.

## **7. Кредит қарздорлигини муддатидан олдин ундирувга қаратиш**

7.1. Банк Қарз олувчиидан кредит суммасини ва бошқа тегишли тўловларни муддатидан олдин зудлик билан тўлаб берилишини талаб қилиш ҳамда муддатидан олдин ундириш тўғрисидаги даъво-талаблари билан судга мурожаат қилиш хукуқига эга бўлишига қуйидаги ҳолатлардан бири давом этётгани асос бўлади:

а) Қарз олувчи кредит бўйича ўз қарзларини қайтариш қобилиятини йўқотиши ёки уларни тўлаш муддатида қайтармаслиги ва бу ҳолат тўлаш муддати бузилган вақтдан бошлаб 30 (үттиз) календарь кун давом этса;

б) Қарз олувчи ушбу Кредит Шартномаси бўйича ва/ёки исталган бошқа келишув бўйича, шу жумладан, гаров, кафиллик шартномаси ва бошқа битимлар (шу жумладан, тўлов жадвали бўйича тўловни амалга ошириш) бўйича ўз мажбуриятларини

бажармаётганлиги ва бу ҳолат Банк Қарз олувчига бажармаётганлик ҳолати ҳақида хабар бергандан сўнг 5 (беш) иш куни давом этса;

в) Қарз олувчининг (Кредит бўйича бўлган қарздорликдан ташқари) қандайdir қарздорлиги юзасидан ёки Қарз олувчининг белгиланган муддатда тўланмаган қандайdir қарздорлиги бўлган шартномага асосан белгиланган мажбуриятлар бажарилмаса;

г) Кредит бўйича таъминот ёки таъминотнинг бирон бир қисми ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларга нисбатан ўзи кучини йўқотса;

д) давлат органлари Қарз олувчига тегишли мол-мулкнинг ёки бошқа активларнинг барчасини ёки бир қисмини, ёки Қарз олувчининг мол-мулкини ёки бошқа активларини, ёхуд Қарз олувчининг фаолиятини тугатиш учун исталган ҳаракатни амалга оширса;

е) Қарз олувчи ёки Қарз олувчига алоқадор бўлган учинчи шахсларга нисбатан даъво-талаблари ёки иш юритуви қўзғатилиши ва уларнинг натижасида Қарз олувчининг исталган мол-мулки унинг кредиторлари ўртасида тақсимланиши эҳтимоли мавжуд бўлса;

ж) Қарз олувчининг мол-мулки бошқа мажбуриятларга асосан ундирувга қаратилса ёки унга банд солинса.

## **8. Алоҳида шартлар**

8.1. Банк ўз ихтиёрига кўра Қарз олувчига нисбатан ушбу шартнома бўйича ўзига тегишли бўлган ҳуқуқлардан исталганини қўллаши ёхуд қўлланмаслиги мумкин.

8.2. Банк томонидан ушбу ҳуқуқларнинг қўлланмаслиги ёхуд қисман қўлланиши ушбу ҳуқуқлардан воз кечиши англашмайди ва улар келгусида исталган вақтда қўлланиши мумкин.

8.3. Ушбу Шартнома бўйича Қарз олувчи Банкка шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ мазкур Шартнома шартларини бажариш юзасидан ҳамда қонунчиликка зид келмайдиган бошқа мақсадларда ўзининг ёки унинг таъсисчилари ва ходимларининг ҳар қандай маълумотларига ишлов бериш ва фойдаланиш ҳуқуқини беради.

## **9. Томонларнинг жавобгарлиги**

9.1. Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилган мажбуриятларни бажаришдан бош тортиши ушбу шартнома шартлари ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

## **10. Форс-мажор ҳолатлари**

10.1. Агар шартнома имзолангандан сўнг, тарафларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳамда олдиндан кўра билиш ёки олдини олиб бўлмайдиган, фавқулодда вазиятлар оқибатидаги енгиб бўлмас куч туфайли тарафлар мазкур шартнома бўйича олган мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажара олмасалар (форс-мажор), бунинг учун улар жавобгар бўлмайдилар. Бунда тарафларнинг ҳеч бири, ажратилган кредитни қайтариш бўйича мажбуриятдан ташқари, кўрилиши мумкин бўлган заарларни қоплашни талаб қилишга ҳақли бўлмайди.

10.2. Қуйидагилар фавқулодда вазиятлар (форс-мажор) бўлиб ҳисобланади: сув тошқини, ёнгин, зилзила, портлаш, бўрон, ер кўчкиси, эпидемия ва бошқа табиат ҳодисалари, уруш ёки ҳарбий ҳаракатлар, фуқаролик тартибсизликлари, террорчилик ҳаракатлари.

10.3. Форс-мажор ҳолатлари юзага келганда мажбуриятлар бажариш муддати бундай ҳолатлар ва уларнинг оқибатлари давом этган вақтга мутаносиб равишда кечиктирилади.

10.4. Тарафлар форс-мажор ҳолатлари вужудга келганлиги ва тугаганлиги ҳақида 10 (үн) кунлик муддатда ёзма равишда бир-бирларини хабардор қилишлари лозим.

10.5. Форс-мажор ҳолатига асосланаётган тараф, ваколатли давлат идорасининг бундай ҳолатларни вужудга келганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатини тақдим этиши шарт.

## **11. Шартноманинг амал қилиш муддати**

11.1. Ушбу Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва Қарз олувчи кредит ва унинг фоизларини тўллагунча ҳамда томонларнинг ўз зиммаларига олган мажбуриятлари бажарилгунга қадар амал қиласиди.

## **12. Низоларни ҳал этиши**

12.1. Ушбу шартномада назарда тутилмаган келишмовчиликлар ва/ёки низоли вазиятлар юзага келган ҳолларда томонлар, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига амал қилган ҳолда, уларни музокаралар йўли билан ҳал қиласиди. Томонларнинг келишувига эришилмаган тақдирда низо Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқиш учун суд органларига ўтказилади.

12.2. Низолар келишув йўли билан ҳал этилмаган тақдирда, ўз хукуқлари бузилган деб ҳисоблаётган тараф бошқа тарафга талабнома юборади. Талабнома тақдим этилган тараф, талабнома олинган кундан бошлаб 15 кун ичida унга жавоб беришга мажбурдир. Низолар бўйича келишувга эришилмаган тақдирда низо Банк жойлашган жойдаги судда кўриб чиқиласиди.

## **13. Якунловчи қоидалар**

13.1. Ушбу Шартнома шартларининг ҳар қандай ўзгариши томонларнинг ўзаро келишуви билан амалга оширилади ва қўшимча келишув билан расмийлаштирилади. Ушбу Шартномага ҳар қандай қўшимча келишувлар, Банкнинг ваколатли вакилининг иштирокисиз тузилган бўлса ва ушбу келишувларда Банкнинг мухри бўлмаса, юридик кучга эга бўлмайди.

13.2. Шартнома ўзбек тилида 2 (икки) нусхада тузилиб, томонларнинг ҳар бирида сақланади ва уларнинг ҳар бири бир хил юридик ҳужжат мақомига эга.

## **14. Томонларнинг реквизитлари**